| Ўзбекистан Республикаси<br>"EXPERT-AUDIT"<br>Аудиторлик ташкилоти<br>Тошкент шахри, Ахунбабаев кучаси, 1/66- уй<br>тел.: +99891554-52-77,<br>+998 97 425-22-18<br>E-mail: expert-audit.uz@mail.ru | «EXPERT-AUDIT» | Республика Узбекистан<br>Аудиторская организация<br><br>"EXPERT-AUDIT"<br><br>р/сч. 20208000505155777001, в АКБ<br>"ДАВР банк", МФО:00981,<br>ИНН: 306947106. |
|---|---|---|



"25" март 2026 йил — Тошкент шахри

Молиявий хисоботдан фойдаланувчиларга

**Мустакил аудиторлик ташкилотининг**
**"Сергели Дехкон Бозори" АЖнинг**
**2025 йил молиявий хисоботларига ижобий фикр билдирилган**

# АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**Фикр**

Биз Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тамонидан 24.06.2020 йилда руйхатга олинган «EXPERT-AUDIT » аудиторлик ташкилотининг аудитори Т.Юсупов томонидан хўжалик юритувчи субьект **"Сергели Дехкон Бозори" АЖ**нинг 2025 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрь даври учун Бухгалтерия хисобининг Халкаро Стандартлари (БХХС) га мувофик тайёрланган "Молиявий хисоботи"нинг ишончлилигини 2026 йилнинг 12-март куни тузилган № 1-03 сонли шартномага асосан мажбурий тарздаги аудиторлик текшируви ўтказилди.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субьект **"Сергели Дехкон Бозори" АЖ**нинг 2025 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тўгрисидаги хисобот», хисоботлардан иборат бўлган 2025 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хакконий акс эттиради ва Бухгалтерия хисобининг Халкаро Стандартлари (БХХС) талабларига мувофик келади.

**Фикр билдириш учун асослар**

Биз Аудитнинг Халкаро Стандартларига (АХС) мувофик аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу Стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий хисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустакил равишда ахлокий коидаларига, молиявий хисобот аудитига тегишли Стандартларга мувофик бажаргамиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиклаш учун етарли ва ўринли деб хисоблаймиз.

**Молиявий хисобот учун рахбарият ва корпоратив бошкарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги**

Рахбарият молиявий хисоботни тайёрлаш ва тўгри такдим этиш учун, амалдаги конунга мувофик фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий хисоботларни тайёрлаганлик учун, хамда рахбарият томонидан кабул килинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий хисоботни тайёрлашда рахбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини бахолашга, зарур холларда узлуксиз фаолият билан боглик бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра хисобот беришга жавобгар, агарда рахбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошка холатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошкарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий хисоботларини тайёрлашни назорат килиш учун жавобгардир.

**Молиявий хисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг максадимиз молиявий хисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўгри кўрсаткичлардан холи эканлигига ишонч хосил килиш, хамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Окилона ишонч ишончнинг юкори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофик ўтказилган аудит хар доим хам мавжуд жиддий хатоларни аниклай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб

молиявий хисоботдан фойдаланувчилар иктисодий карорларига таъсир килиши мумкин бўлса, мухим хисобланади.

Аудитнинг Халкаро Стандартларига мувофик аудитнинг бир кисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулохаза юритиб ва профессионал скептицизмни қўлладик. Бундан ташкари куйидагилар бажарилди:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий хисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниклаш ва бахолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чикамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат киладиган аудиторлик далилларини олдик. Фирибгарлик натижасида мухим бузиб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли мухим бузиб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юкори, чунки фирибгар сохталаштириш, касддан хато килиш, нотўгри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи хатти-харакатларни амалга оширган бўлиши мумкинлиги;
- Корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўгрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чикиш максадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва хакконий такдим этиши билан боглик бўлган ички назорат тизимини кўриб чикдик;
- кўлланилаётган хисоб сиёсатининг макбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонидан хисоблаб чикилган бахоларнинг асослилигини бахолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг ифодаланишини бахоладик;
- бухгалтерия хисоби ва бошкарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятини узлуксиз давом эттириш кобилиятига жиддий шубха тугдириши мумкин бўлган вокеалар ва ходисалар билан боглик мухим ноаникликлар мавжудми ёки йўклиги тўгрисида, рахбарият фойдаланиши максадга мувофиклиги тўгрисида хулоса килдик. Биз мухим ноаникликлар мавжуд булиши мумкинлигини хисобга олиб аудит хисоботида молиявий хисоботдаги ноаникликларни ёритиб беришга эътиборимизни каратдик. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади.

**Аудиторлик ташкилоти Директори:**    Т.Юсупов

**Аудитор:**    **Т.Юсупов**

Аудитор малака сертификати раками №-05642 21.02.2020 берилган

**Аудиторлик текируви ўтказилган хўжалик субъекти тўгрисидаги маълумотлар:**

*Номи:* **"Сергели Дехкон Бозори" АЖ**
*Реквизитлари:* *ТИФ "Миллийбанк" бош офиси*
*МФО 00 450, ИНН : 200 648 833*
*Хисоб раками :* *2020 8000 4001 1950 4001-сонли асосий хисоб раками,*
*Манзили :* Тошкент шахар, Сергели тумани Янги Сергели кучаси, Сергели-6 мавзе

**Аудиторлик ташкилоти тўгрисидаги маълумотлар:**

***Номи:*** « EXPERT-AUDIT » *auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2020 йил 24 июнда аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган.*
***Реквизитлари:*** *х.р. 2020 8000 5051 5577 7001, АКБ «Давр банк» Тошкент шахри Шайхонтохур филиали, МФО 00981, ИНН 306 947 106.Тошкент шахри, Ахунбабаев кучаси, 1/66-уй.*